

“Кварц” акциядорлик жамияти
акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг
1-сонли
БАЁННОМАСИ

2021 йил 06 март
соат 10-00

Фарғона вил. Кувасой ш.
Мустақиллик кўчаси, 2а-уй

“Кварц” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда “Жамият” деб юритилади) акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорлар ва вакилларга тегишли овоз берувчи акциялар сони 86 629 151 дона. Жами овоз берувчи акциялар сони 96 449 218 дона. Йиғилиш кворуми 89,82 фоиз.

Қатнашдилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси (Кузатув кенгаши аъзоси) Ҳ.К.Сирожитдинов;

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари Б.Б.Фарманов – жамият устав фондидаги улуши бўйича акциядор <UzAssets> Aksiyadorlik jamiyati shaklidagi investitsiya kompaniyasi ишончномасига асосан вакили;

Жамият акциядорлари ва уларнинг вакиллари (рўйхат илова этилади);

Жамиятнинг бошқарув ва назорат органи аъзолари, ташқи ва ички аудит вакиллари.

ЭШИТИЛДИ:

Жамият Кузатув кенгаши раиси Б.Зарипов йиғилишда иштирок эта олмаганлиги муносабати билан амалдаги қонунчиликка асосан ва Жамият уставига асосан Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши раиси этиб Кузатув кенгаши аъзоси Ҳ.К.Сирожитдиновни сайлаш таклиф этилди.

(Бир овоздан маъқулланди)

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши раиси этиб Кузатув кенгаши аъзоси Ҳ.К.Сирожитдинов сайлансин.

ЭШИТИЛДИ:

Йиғилиш раиси – Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг санок комиссиясини тасдиқлаш тўғрисида.

(Бир овоздан маъқулланди)

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг санок комиссияси куйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. З.Бурхонов - “Кварц” АЖ Махсус бўлими бошлиғи ;

2. З.Раимбердиева - “Кварц” АЖ Бизнесни стратегик ривожлантириш ва лойихалаштириш бўлими бошлиғи ўринбосари;

3. О.Михайлюк - “Кварц” АЖ Бизнесни стратегик ривожлантириш ва лойихалаштириш бўлими иқтисодчиси.

ЭШИТИЛДИ:

Йиғилиш раиси – Жамият акциядорлари умумий йиғилиши котибини сайлаш тўғрисида.

(Бир овоздан маъқулланди)

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Жамият акциядорлари умумий йиғилиши котиблигига “Кварц” АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Тошпулатов Д.А. сайлансин.

ЭШИТИЛДИ:

Йиғилиш раиси – Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши кун тартибини тасдиқлаш тўғрисида.

(Бир овоздан маъқулланди)

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг қуйидаги кун тартиби тасдиқлансин.

КУН ТАРТИБИ:

1. “Кварц” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

2. “Кварц” акциядорлик жамиятининг 2020 йил якунлари бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш тўғрисида.

3. “Кварц” АЖнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида.

4. “Кварц” АЖнинг эълон қилинган акцияларининг энг кўп миқдорини белгилаш.

5. “Кварц” АЖ Уставини янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида.

6. “Кварц” АЖнинг “Корпоратив этика кодекси” ва “Кварц” АЖнинг “Коррупцияга қарши курашиш сиёсати”ни тасдиқлаш тўғрисида.

7. “Кварц” АЖнинг Кузатув кенгаши, Ижроия органи, Ички назорат, Манфаатлар тўқнашуви вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги Низомларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ЭШИТИЛДИ:

Йиғилиш кун тартибидаги 1-масала бўйича Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

тўғрисида”ги Қонунига асосан йиғилиш раиси томонидан кун тартибидаги масалалар бўйича маъруза ва музокарага чикувчилар учун йиғилиш регламентини қуйидагилар маълум қилинди.

Умумий йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун 15 дақиқа савол-жавоблар учун 10 дақиқагача, санок комиссияси ишига 30 дақиқа вақт ажратилиши таклиф этилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб жамият таклиф этилаётган йиғилиш регламентини тасдиқлаш жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

Йиғилиш кун тартибидаги 2-масала юзасидан “Кварц” АЖнинг 2020 йил фаолиятининг якуни бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлови натижалари тўғрисида ахборот бериш Танлов комиссия раиси, Бошқарув раисининг 1-ўринбосари М.Исраиловадан сўралди.

Танлов комиссия томонидан “Кварц” АЖнинг 2020 йил фаолиятининг якуни бўйича молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувдан ўтказилиши ва жамият самарадорлиги муҳим кўрсаткичлари (СМК) ҳисоботлари тўғрилигини ўрганиш хизматлари юзасидан аудиторлик ташкилоти танловини ўтказиш ишлари амалга оширилди.

Танлов бўйича берилган эълонга кўра “Кварц” АЖнинг 2020 йил фаолиятининг якуни бўйича молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувдан ўтказилиши ва жамият самарадорлиги муҳим кўрсаткичлари (СМК) ҳисоботлари тўғрилиги 4 та аудиторлик корхоналаридан (“Amulet-Audit” МЧЖ – 80,0 млн. сўм, “IQTIDOR AUDIT INFORM” МЧЖ – 75,0 млн. сўм, “REAL AUDIT INVEST” МЧЖ – 95,0 млн. сўм, “НIMOYA AUDIT” МЧЖ – 50,0 млн. сўм) тижорат таклифлари келиб тушди.

Танлов ғолибини аниқлаш учун таклифлар танлов ҳужжатларида қайд этилган мезонларга асосан баҳолаш натижаларига кўра танлов иштирокчилари томонидан баллар тўпланди (“Amulet-Audit” МЧЖ – 75,6, “IQTIDOR AUDIT INFORM” МЧЖ – 40,6, “REAL AUDIT INVEST” МЧЖ – 32,2, “НIMOYA AUDIT” МЧЖ – 58,2).

Танлов ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган ҳамда юқори балл тўплаган “Amulet-Audit” МЧЖ танлов ғолиби этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган.

Шу муносабати билан “Кварц” акциядорлик жамиятининг 2020 йил якунлари бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун “Amulet-Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини 80 000 000 сўм белгилаш ва у билан шартнома тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш акциядорлар йиғилишидан сўралди.

Йиғилиш кун тартибидаги 3-масала бўйича Бошқарув раиси А.И.Буриев йиғилиш қатнашчиларига қуйидагиларни маълум қилди. Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2020 йил 6 июлдаги “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-6019-сон Фармонида асосан 2021 йил 1 январдан бошлаб тажриба (синов) тарихида монополияга қарши комплаенс тизими жорий этиладиган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхати тасдиқланиб, “Кварц” АЖ ушбу рўйхатга киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги 2021 йил 28 январдаги 416/03-07-сонли хати билан жамиятда монополияга қарши комплаенс хизмати бўйича шуғулланадиган тегишли бўлинма ташкил этиш масаласини жамиятнинг Кузатув кенгаши мажлисида кўриб чиқиш, жамиятда монополияга қарши комплаенс хизматининг Низомини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш, монополияга қарши комплаенс хизмати бўйича шуғулланадиган тегишли бўлинманинг жамиятнинг ташкилий тузилмасига киритиш бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишини ташкиллаштириш сўралган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг 2020 йил 4 сентябрдаги 02-2488-сонли топшириғига мувофиқ вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларига:

яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши мувофиқлик тизимини белгиланган муддатларда жорий этиш;

соҳа фаолиятида замонавий ахборот технологияларини кенг қўллаш орқали “инсон омилини” қисқартириш юзасидан амалий чораларни кўриш;

ходимлар орасида коррупцияга қарши муҳитни шакллантириш ҳамда ички назорат тизими фаолиятини такомиллаштириш топширилган.

Юқорида келтирилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси топшириқларини ижросини таъминлаш мақсадида “Кварц” АЖда монополияга қарши комплаенс ва яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши мувофиқлик тизими учун масъул бўлган “Монополия ва коррупцияга қарши Комплаенс назорат хизмати”ни ташкил этиш таклиф этилди.

Шундан сўнг таклиф этилаётган ўзгаришларни инобатга олинган “Кварц” АЖнинг янги ташкилий тузилмаси лойиҳаси билан йиғилиш қатнашчилари таништирилди (ташкилий тузилма лойиҳаси илова қилинади).

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кириши белгиланганлиги муносабати билан ушбу ташкилий тузилмани тасдиқлаб бериш акциядорларидан сўралди.

Кун тартибидаги 4-масала бўйича акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Д.А.Тошпулатов йиғилиш қатнашчиларига қуйидагиларни маълум қилди. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддасига асосан Жамиятнинг устав фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши, қўшимча акциялар фақат жамият уставида белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин, шунингдек жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини) унинг ўз капитални ҳисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар

барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айнаи ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини) кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб “Кварц” АЖнинг эълон қилинган акцияларининг энг кўп миқдори 96 449 218 дона 165 410 408 870 сўм бўлган оддий акция қилиб тасдиқлаш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кириши белгиланганлиги муносабати билан тасдиқлаб бериш акциядорларидан сўралди.

Кун тартибидagi 5-масала бўйича Бошқарув раиси А.И.Буриев “Кварц” АЖнинг эълон қилинган акцияларининг энг кўп миқдори 96 449 218 дона 165 410 408 870 сўм бўлган оддий акция қилиб тасдиқлаш ва жамиятда монополия ва коррупцияга қарши комплаенс назорат тизими ташкил этилиш муносабати билан “Кварц” АЖ янги таҳрирдаги Устави лойиҳаси билан йиғилиш қатнашчилари таништирилди (хужжат лойиҳаси илова қилинади).

“Кварц” АЖ янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

Кун тартибидagi 6-масала бўйича акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Д.А.Тошпулатов “Кварц” АЖда монополия ва коррупцияга қарши комплаенс назорат тизимини жорий этиш билан боғлиқ жамиятнинг янги ички меъёрий хужжатлар лойиҳалари, шу жумладан “Корпоратив этика кодекси” ва “Коррупцияга қарши курашиш сиёсати” хужжатлари лойиҳаси билан йиғилиш қатнашчилари таништирилди (хужжатлар лойиҳаси илова қилинади).

“Кварц” АЖнинг “Корпоратив этика кодекси” ва “Кварц” АЖнинг “Коррупцияга қарши курашиш сиёсати” хужжатларини тасдиқлаш жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

Кун тартибидagi 7-масала бўйича акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Д.А.Тошпулатов сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-6019-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг 2020 йил 4 сентябрдаги 02-2488-сонли топшириғига асосан жамиятда монополия ва коррупцияга қарши комплаенс назорат тизими тадбиқ қилиниши муносабати билан Кузатув кенгаши, Ижроия органи, Ички назорат, Манфаатлар тўқнашуви вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги Низомларга ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси билан йиғилиш қатнашчилари таништирилди (хужжатлар лойиҳаси илова қилинади).

“Кварц” АЖнинг Кузатув кенгаши, Ижроия органи, Ички назорат, Манфаатлар тўқнашуви вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги Низомларга ўзгартириш ва қўшимчалар хужжатларини тасдиқлаш бўйича овоз беришлари акциядорлардан сўралди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб белгиланган тартибда бюллетенларга белги қуйиш орқали ўз муносабатларини билдирилиши йиғилиш иштирокчиларидан сўралди.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. “Кварц” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

Овоз бердилар: – 86 629 151 овоз, тарафдорлар – 86 629 151 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

1. Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун 15 дақиқа савол-жавоблар учун 10 дақиқагача, санок комиссияси ишига 30 дақиқа вақт ажратиш орқали акциядорларининг умумий йиғилиши регламенти тасдиқлансин.

2. “Кварц” акциядорлик жамиятининг 2020 йил якунлари бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш тўғрисида.

Овоз бердилар: – 86 629 151 овоз, тарафдорлар – 86 629 151 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

1. “Кварц” акциядорлик жамиятининг 2020 йил якунлари бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун “Amulet-Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилотини жамият аудитори этиб белгилансин.

2. “Amulet-Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини 80 000 000 сўм белгилансин ҳамда аудиторлик ташкилоти билан ўрнатилган тартибда шартнома тузиш вазифаси “Кварц” АЖ ижроия органига топширилсин.

3. “Кварц” АЖнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида.

Овоз бердилар: – 86 629 151 овоз, тарафдорлар – 86 629 151 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-6019-сон Фармони талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг 2020 йил 4 сентябрдаги 02-2488-сонли топшириғи ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги 2021 йил 28 январдаги 416/03-07-сонли хати маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “Кварц” АЖда монополияга қарши ва яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши мувофиқлик комплекси тизими учун масъул бўлган “Монополия ва коррупцияга қарши комплекс назорат хизмати”ни ташкил этиш таклифи маъқуллансин.

3. “Монополия ва коррупцияга қарши комплекс назорат хизмати” таркибий бўлинмасини ўз ичига олган “Кварц” АЖнинг янги ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. “Кварц” АЖнинг эълон қилинган акцияларининг энг кўп миқдорини белгилаш.

Овоз бердилар: – 86 629 151 овоз, тарафдорлар – 86 629 151 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

1. “Кварц” АЖнинг эълон қилинган акцияларининг энг кўп миқдори 165 410 408 870 сўм бўлган 96 449 218 дона оддий эгасининг номи ёзилган акция қилиб белгилансин.

5. “Кварц” АЖ Уставини янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида.

Овоз бердилар: – 86 629 151 овоз, тарафдорлар – 86 629 151 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

1. “Кварц” АЖ янги таҳрирдаги Устави 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. “Кварц” АЖнинг “Корпоратив этика кодекси” ва “Кварц” АЖнинг “Коррупцияга қарши курашиш сиёсати”ни тасдиқлаш тўғрисида.

Овоз бердилар: – 86 629 151 овоз, тарафдорлар – 86 629 151 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

1. “Кварц” АЖнинг “Корпоратив этика кодекси” ва “Кварц” АЖнинг “Коррупцияга қарши курашиш сиёсати” 3-4 иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.


7. “Кварц” АЖнинг Кузатув кенгаши, Ижроия органи, Ички назорат, Манфаатлар тўқнашуви вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги Низомларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

Овоз бердилар: – 86 629 151 овоз, тарафдорлар – 86 629 151 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

1. “Кварц” АЖнинг “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ижроия органи тўғрисида”ги, “Ички назорат тўғрисида”ги, “Манфаатлар тўқнашуви вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш 5-6-7-8 иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Йиғилиш раиси томонидан кун тартибига киритилган масалалар тўлиқ кўриб чиқилиб, тасдиқланганлиги муносабати билан йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинди.

Йиғилиш раиси



Х.К.Сирожитдинов

Йиғилиш котиби



Д.Тошпулатов

«15» 03 2021 й.